

# ТОШКЕНТ

# ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган


ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 177—178 (11.488—11.489)

Баҳоси эркин нарҳда

ИСЛОМ КАРИМОВ

## ТАРИХИ БОЙ, БУГУНИ ГЎЗАЛ, КЕЛАЖАГИ БУЮК ШАҲАР



### ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!  
Хонимлар ва жаноблар!

Авваламбор, сиз азизларни, сизларнинг тимсолингизда пойтахтимиз аҳли, бутун халқимизни Ватанимизнинг олтин остонаси бўлмиш Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик қутлуғ тўйи, улуг байрами билан чин қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг самимий ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Ҳаммамизга маълумки, халқимизда азал-азалдан тўйга тўёна билан келишдек ажойиб бир одат бор.

Шу маънода, азим Тошкентимизнинг айнан бугунги тўйига атаб барпо этилган, “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройи деб ном олган мана шундай муҳташам ва бетакрор кошонада пойтахтимизнинг буюк санасини ўтказар эканмиз, барчамизнинг байрамона кайфиятимизга қувонч ва шукроналик туйғулари қўшилиб кетаётгани табиий бир ҳол, десам, ўйлайманки, кўпчиликнинг фикрини ифода қилган бўламан.

Қадимий ва ҳаммиша навқирон Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини муносиб ўтказиш мақсадида нуфузли халқаро ташкилот бўлмиш ЮНЕСКО қарори асосида ушбу юбилейни юртимизда кенг нишонлаш тўғрисида махсус қарор ва дастур қабул қилганимиздан сизлар албатта хабардорсиз.

Ўтган давр мобайнида бу санани Тошкент шаҳрининг мамлакатимиз ҳаётидаги бекиёс ўрни ва мавқеига мос равишда, юксак савияда нишонлаш, пойтахтимизни янада обод қилиш учун кат-

та тайёргарлик ишлари олиб борилди.

Бугун тўла ишонч билан айтиш мумкинки, бундай улкан, ҳақиқатан ҳам тарихий ишларни амалга оширишда Тошкентда бирон-бир туман, мавзе-маҳалла, меҳнат жамоаси ёки бирорта одам йўқки, бевосита ўз хиссасини қўшмаган, ҳеч бўлмаганда, ўзининг фикри, маслаҳати билан иштирок этмаган бўлса.

Бир сўз билан айтганда, мана шу давр мобайнида бу гўзал масканда, она диёримизда яшаётган, кексаю ёш барча-барча инсонлар учун Тошкентимиз нақадар сеvimли ва қадрли экани яна бир бор амалда намоён бўлди, десам, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Фурсатдан фойдаланиб, азим Тошкент шаҳрининг муборак тўйини ўтказишга муносиб ҳисса қўшган сиз азизларга, сизлар орқали бутун пойтахт аҳлига ўз номимдан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдиришни ўзимнинг бурчим деб биламан.

Бугун бизни ўз бағрига олган мана шу бино, чиндан ҳам, миллий меъморлик санъатимизнинг ажойиб намунаси бўлиб, унинг гоёси ва лойиҳаси, муҳандислик ечимлари, ҳар қайси устуни, ҳар қайси гишти, ички ва ташқи безаклари – буларнинг барчаси ўз кучимиз, ўзимизнинг моҳир уста, қурувчи ва пайвандчиларимиз, етук мутахассисларимизнинг меҳнати билан бунёд этилгани ҳаммамизга гурур ва ифтихор бағишлайди.

Айни мана шундай ҳашаматли ва бетакрор бинони Тошкентнинг қоқ марказида барпо этишга эришганимизни бугунги кунда мамлакатимизнинг интеллектуал салоҳияти, куч ва имкониятлари, жумладан, қурилиш ва бунёд-

корлик, замонавий шаҳарсозлик соҳасида ҳам тобора юксалиб бораётганининг яққол исботи сифатида қабул қилиш ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Муҳтарам дўстлар!

Шу залда ўтирган сиз, азизларнинг, барчамизнинг номимиздан бир эзгу тилакни билдириб, айтмоқчиман: ҳеч шубҳасиз, миллий бинокорлик санъати ва маҳоратининг беназир намоиши бўлмиш мана шу салобатли сарой азим ва гўзал Тошкентимиз каби дунё тургунча турсин, бугунги тантана сингари юртимизнинг энг қувончли ва шодиёна кунларига, илоҳим, хизмат қилсин.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Бугун биз Тошкент шаҳрининг мана шу буюк санасини нишонлар эканмиз, бу айём Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллик байрами билан узвий боғлиб кетганини чуқур англаймиз.

Айтиш керакки, бу ҳолнинг ўзига хос муҳим сиёсий, ижтимоий ва маънавий аҳамияти, маъноси бор, албатта. Нега деганда, Тошкентнинг тарихи ва бугунги ҳаётини Ўзбекистоннинг тарихи ва бугунги ҳаётидан, Ўзбекистоннинг келгуси тараққиётини Тошкентнинг истиқболидан ажратиб, айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.

Шу кунларда диёримизнинг узоқ-яқин барча қишлоқ ва шаҳарларида халқимиз энг улуг ва энг азиз айём бўлмиш Мустақиллик кунини катта хурсандчилик билан байрам қилаётган экан, юртимизда яшаётган, ўз тақдирини Ўзбекистоннинг тақдири ва келажаги билан чамбарчас боғлаган ҳар қайси одам ўз фикри ва зикри билан бир ҳақиқатга яна ва яна бир бор ишонч ҳосил қилади. Яъни, у ўзининг ҳаёти, оиласи, ёру биродарлари мисолида Ўзбекистонимиз шу ўтган қисқа даврда босиб ўтган йўлни, амалга оширилаётган мислсиз ўзгариш ва янгиланишларни, мамлакатимизнинг куч-қудрати ортиб, унинг қиёфаси янада чирой очаётгани, халқаро майдонда обрў-эътибори юксалиб бораётганини беихтиёр ўзига тасаввур қилиши табиийдир.

Ҳақиқатан ҳам, шу байрам кунларида мустақиллик биз учун ўзлигимизни англаш, ер ости, ер усти бойликларимизга эгаллик қилиш, меҳнаткаш халқимизнинг ва бугун кучга тўлиб, ҳаётга кириб бораётган ёшларимизнинг бекиёс салоҳияти ва орзу-интилишларини рўёбга чиқариш, шу муқаддас заминда демократик, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, бир сўз билан айтганда, эртанги ёруғ кунимизни қуриш учун қандай улкан имкониятларни очиб берганини яна бир қарра шукроналик билан кўз ўнгимиздан ўтказишимиз — буюм табиий ҳол десам, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Шу маънода, биз кўзлаган юксак марраларга эришиш йўлида ўтган давр мобайнида қўлга киритган натижалар ҳақида гапирганда, фақатгина охириги беш йил давомида иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишини намоён этадиган баъзи бир рақамларни олиб келиш ўринли бўлади, деб ўйлайман.

(Давоми 2,3-бетларда).

**ЮРТИМИЗНИНГ  
ФАҲРУ ИФТИХОРИ  
БЎЛМИШ АЗИМ  
ТОШКЕНТ  
ШАҲРИНИНГ УМРИ  
БОҚИЙ БЎЛСИН!  
ТОШКЕНТДЕК БУЮК  
ШАҲАРЛАРНИ ЯРАТГАН  
ХАЛҚИМИЗ МАНГУ  
ЯШАСИН, БАХТУ  
САОДАТИ ЯНАДА  
ЗИЁДА БЎЛСИН!**

**«ЎЗБЕКИСТОН» ХАЛҚАРО  
АНЖУМАНЛАР САРОЙИДА ТОШКЕНТ  
ШАҲРИНИНГ  
2200 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН  
ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС БЎЛИБ ЎТДИ.  
УНДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ  
ИШТИРОК ЭТДИ**

Истиклол эл-юртимиз учун бемисл неъматлар инъом этди. Минг йиллар давомида шаклланган бой тарихимиз, меросимиз, муқаддас динимиз, миллий қадриятларимиз мустақиллик туфайли қадр топди. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида буюк аждодларимизнинг бетакрор илмий, маънавий меросини чуқур ўрганиш, қадимий шаҳарларимизнинг бой тарихини тадқиқ этиш борасидаги улкан ишлар ҳақли равишда жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда.

Инсоният тамаддуни, жаҳон цивилизациясига бекиёс ҳисса қўшган шаҳарлар орасида Тошкент алоҳида мавқеи ва нуфузи билан ажралиб туради. Йигирма икки асрлик ўтмишга эга шаҳар асрлар давомида улкан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, илмий, маданий ва маърифий марказлардан бири бўлиб келган. Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган, ўзининг муҳим жуғрофий ва геосиёсий ўрнига эга Тошкент ҳақли равишда “Шарқ дарвозаси” номини олган, тинчлик ва дўстлик рамзига айланган.

Тошкентнинг 2200 йиллик юбилеи Ватанимиз мустақиллиги байрами билан биргаликда нишонланишида ўзига хос рамзий маъно бор. Зеро, Тошкентнинг тарихи ва бугунги ҳаёти юртимиз тарихи ва келажаги билан чамбарчас боғлиқ. Тошкентда Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилинди. Шаҳарда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, унинг тарихий, ижтимоий-сиёсий ва илмий салоҳиятининг тикланиши Ўзбекистоннинг 18 йиллик мустақил тараққиёт йўли билан узвий боғлиқ.

Улуг байрамлар арафасида Тошкент шаҳрининг марказида миллий ва замонавий меъморлик анъаналарини ўзида мужассам этган бетакрор ва муҳташам “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройи қад ростлади.

1 сентябрь. Соат 16.00. Муаззам саройнинг маҳобатли зали байрамона безатилган. Бу ерга мамлакат қуқумати аъзолари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари, жамоатчилик вакиллари, фан, маданият, санъат намоёндалари йиғилган.

Йиғилганлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни қарсақлар билан кутиб олдилар.

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишланган тантанали мажлисни шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилди.

Президентимиз тантана қатнашчиларини, бутун халқимизни Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик байрами билан қутлар экан, мустақиллик биз учун ўзлигимизни англаш, ҳуқуқий демократик давлат, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш учун улкан имкониятлар очиб берганини қайд этди. Миллий давлатчилигимиз тарихида ва ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда пойтахтимиз алоҳида ўринга ва бекиёс аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Тошкент нафақат мамлакатимиз, балки бутун минтақамизнинг юксак тараққиёт этган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-молиявий, маънавий-маърифий ва илмий-маданий марказидир. У дунёдаги энг гўзал пойтахт шаҳарлардан биридир. Бетакрор Тошкент кўп миллатли халқимизнинг фаҳри ва гурури, тинчлик-осойишталик ва барқарорлик тимсолидир.

ЮНЕСКО Бош конференциясининг Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги 2007 йил 2 ноябрдаги 34-сессиясида қабул қилинган қарори жаҳон ҳамжамияти томонидан юртимиз тарихининг, қадимий шаҳримиз дунё тамаддунига қўшган ҳиссасининг ўзига хос эътирофидир. Президентимизнинг 2008 йил 2 апрелда қабул қилинган “Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорига биноан амалга оширилган ишлар пойтахтимиз мавқеи ва салоҳиятини янада юксалтириш, халқаро миқёсда янада улугворлик касб этишига хизмат қилмоқда.

(Давоми 4-бетда).

# ТАРИХИ БОЙ, БУГУНИ ГЎЗАЛ, КЕЛАЖАГИ БУЮК ШАҲАР

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Биргина мисолнинг ўзи, яъни кейинги, 2004-2008 йиллар давомида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг доллар ҳисобидида 2,6 баробар ўсгани, ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот ҳажми эса аҳоли жон бошига 2 баробардан зиёд ошгани, ҳеч шубҳасиз, иқтисодий ҳаётимиздаги туб ўзгаришлар ўзининг амалий самарасини бераётганини яққол исботлаб турибди.

Эътиборлиси шундаки, иқтисодий ўсиш суръатларини изчил таъминлаш ва нарх-навонинг ошиб кетишига йўл қўймаслик бўйича қўрилган чора-тадбирлар, ўз навбатида, худди шу даврда аҳоли реал даромадларини 4 баробар ошириш имконини берди.

Сизларга яхши маълумки, бугунги кунда жаҳон миқёсида тобора кучайиб бораётган молиявий-иқтисодий инқироз оқибатида дунёнинг жуда кўп мамлакатларида иқтисодий ўсишнинг пасайиши кузатилмоқда. Минглаб корхоналар, банклар ва компаниялар банкротликка учраб, ишсиз қолганлар сони кўпайиб, аҳолининг турмуш даражаси пасайиб бормоқда.

Албатта, ана шу инқироз таъсирида жуда катта зарар ва талафот кўраётган давлатларнинг иқтисодий қулоқларини кузатар эканмиз, табиий бир савол туғилиши мумкин — бу инқирознинг Ўзбекистон учун таъсирини юмшатишга, аввало, иқтисодий таъминнинг ўсиш суръатлари ва энг муҳими, аҳолининг ҳаёт даражаси пасайишининг олдини олишга биз ниманинг ҳисобидан ва қандай қилиб эришмоқдамиз?

Шуни айтиш керакки, жамоатчилигимиз, халқимиз вакиллари, авваломбор, оддий инсонлар бу масаланинг мағзига етиб бориб, ўзининг кундалик ҳаёти ва тажрибаси асосида бу саволга жавоб топмоқда. Юртимизнинг турли ҳудуд ва минтақаларида бўлиб, одамлар билан учрашганда, мулоқот қилганда бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Бугун биз эришаётган ютуқ ва марраларнинг асосий сабабини аввало ўзгаларга ўхшаб, бир кунлик мақсад ва манфаатни кўзлабмасдан, аксинча, узоқни кўзлаб, мамлакатимиз ва халқимиз тақдирини атрофлича ва чуқур ўйлаган ҳолда қабул қилинган сиёсий қарорлар ва шу асосда қатъийлик билан амалга оширилаётган дастурларимизда кўриш зарур.

Биз қўлга киритаётган улкан натижаларнинг яна бир муҳим омили — Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин биз ҳеч қандай нусха олмасдан, жаҳонда ўзини оқлаган тажрибани инкор этмасдан туриб, “Ўзбек модели” деб ном олган ва машҳур беш принципга асосланган ўзимизга хос, ўзимизга мос тадрижий тараққиёт йўлини ҳаётимизда жорий этиб келаётганимиз ва айтиш шунинг билан бугунги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам ўзининг тўғрилигини ва ҳаётбахш кучини исботлаб бераётганида, десак, айтиш керакки, айтиш керакки, айтиш керакки.

Шу борада биз эски маъмурий-буйруқбозлик тизимидан янги — бозор тизимига ўтиш, ислохотларни ҳаётга татбиқ этиш жараёнида “Ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун” ва шу билан бирга, “Янги уй қўрмай туриб, эскисини бузманг” деган ҳаётий тамойилларга асосланган ҳолда иш олиб бордик.

Четдан туриб бизга турли хил тағир тавсияларни ўтказишга қаратилган ҳар қандай уринишлардан воз кечиб, ўз ақл-заковатимизни ишлатиб, ислохотларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш йўлини танлаганимиз бунда айтиш керакки, айтиш керакки.

Яъни, бошқача қилиб айтганда, сирти ялтироқ, ичи қалтироқ, “шок терапияси”га ўхшаган, бизга номаъқул бўлган усулларга берилмасдан, четдан маслаҳатчиларни олиб келмасдан, оқибатини ўйлаб, янги жамият, янги иқтисодийётни қуришда вазирилик билан, шовилмасдан сиёсат олиб бордик.

Яна бир муҳим хулоса чиқаришга даъват этадиган масалага эътиборингизни тортмоқчиман.

Давлатимиз ва иқтисодий таъминнинг узоқ давомли келажагини ва манфаатларини кўзлаб, стратегик ва устувор дастурларни амалга оширишда, бошимиздан кечирган оғир ва кескин вазиятлардан чиқишда, бугун кўпчилик қаторида молиявий-иқтисодий инқироз таъсирини бартараф қилишда дав-

лат бошқарув тизими ва усулларига суяниш ва уларнинг родини кенгайтириш ва кучайтириш ўзини тўла оқлаб берганини ҳаётимизнинг ўзи тасдиқлаб берди ва бермоқда.

Бундай ёндашув, бундай қараш ва тажрибаларни қўллаш айтиш керакки, бугунги тобора кескинлашиб бораётган жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирози шароитида кўпгина энг йирик ва тараққий топган давлатлар шундай йўлни қўллаб-қувватлаётганида кузатиш қийин эмас.

Юртимизни ҳар қандай сиёсий ва иқтисодий қарамликдан сақлаш, кимгадир тобе бўлмаслик учун, лўнда қилиб айтганда, қарз ботқоғига ботиб, бўйнимизга бўйинтуруқ илиниб қолмаслиги учун биз халқаро молиявий ташкилотларнинг маблағлари ва чет эл инвестицияларидан фойдаланишда ҳам ўта сезгирлик ва ҳушёрлик билан иш тутганимиз нақадар тўғри бўлганини, ўйлаётганимиз, бугун барчамиз тушуниб, англаб олмоқдамиз.

Шу борада ота-боболаримиздан қолган, “бир жойга киришдан олдин чиқишни ўйлаш керак”, деган ўғитлар ҳам бу масалада бизни асрашга хизмат қилганини айтиш жоиз.

Бундай фикрларни давом эттирадиган бўлсак, яна бир ҳолатни алоҳида таъкидлаш лозим. Биз халқимизнинг бойлиги, шу билан бирга, келажақ авлодимизнинг ризқ-насибаси бўлган табиий захираларимиз, стратегик ресурсларимизни ўта оғир пайтларда ҳам ҳеч қачон гаровга қўйганимиз йўқ.

Айниқса, четдан тақлиф қилинадиган қисқа муддатли спекулятив кредитлардан воз кечиб, оладиган сармояларни иқтисодий таъминнинг асосида, аввало, ишлаб чиқариш соҳасини модернизация ва диверсификация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун ишлатганимиз ҳозирги вақтда мамлакатимизнинг салоҳиятини, эртанги кунимизнинг кафолатини мустаҳкамлаш имконини яратиб бермоқда.

Муҳтасар қилиб айтганда, аввало ўз кучимизга ишониб, пухта ўйланган тараққиёт моделини танлаб, келажагимизни қуришга киришганимиз, кейинги йилларда эса иқтисодий таъминнинг ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тuzилишини диверсификация қилиш борасида чуқур ўйланган сиёсатни амалга ошираётганимиз юртимизни ҳар қандай иқтисодий ҳавф-хатардан ҳимоя қиладиган кучли тўсиқ, таъбир жоиз бўлса, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратди.

Лекин бутун жаҳон миқёсида тобора чуқурлашиб бораётган инқирознинг салбий оқибатларини ҳис этмаслик, бу инқироз бизни четлаб ўтади, деган фикр ва хомхаёлда юриш, ўйлаётганимиз, кечириб бўлмайдиган хато бўлади.

Чунки бугунги кунда Ўзбекистон халқаро ҳамжамият ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми сифатида ривожланиб бораётгани ва бу жараён тобора кучайиб боришини яхши англаб олиш даркор.

Шундан келиб чиққан ҳолда, биз инқирознинг дастлабки белги-аломатлари пайдо бўла бошлаши билан сергак бўлиб, иқтисодий таъминимиздаги реал аҳвол ва шароитларни ҳисобга олиб, бу масала бўйича зарур тайёргарлик кўрганимиз, ўз вақтида эҳтиёткорлик билан иш тутиб, кенг қўламли дастурларни қабул қилганимиздан барчангиз хабардорсиз.

Шу борада қўрилаётган чора-тадбирларнинг асосий йўналишлари ва мақсадлари ҳақида гапирганда, аввало, иқтисодий таъминнинг реал секторининг юқини осонлаштириш, солиқларини камайтириш ва давлат томонидан ёрдам бериш, ишлаб чиқариш соҳасини ички бозорнинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш учун қаратиш, истеъмол товарларини тайёрлайдиган тармоқларга, кичик бизнес ва тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб ва қўшимча имтиёзлар бериш, айниқса, қишлоқ ҳўжалиги соҳасини, қишлоқ тараққиётини мамлакатимиз ривожининг етакчи кучи сифатида давлат сиёсатининг устувор йўналиши даражасига кўтаришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Экспортга йўналтирилган корхоналарни ҳар томонлама рағбатлантириш, уларнинг солиқ юқини кескин камайтириш, махсулотини реаллизация қилиш учун бозорларни янада кенгайтириш шулар қаторида муҳим ўрин тутаяди.

Инқирозга қарши чораларнинг энг асосий жиҳатларидан бири — бу транспорт йўллари ва коммуникациялар, авваломбор, социал инфратузилмани, жумладан, тоза ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси тармоқларини, хизмат соҳаларини ривожлантириш, қишлоқ жойларда янги қурилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш ва шуларнинг ҳисобидан биз учун ўта долзарб вазифа бўлмиш янги иш ўринларини барпо этиш масалалари эътиборимиз марказида турганини таъкидлаш керак.

Жорий этилаётган дастурдан энг катта ўрин олган асосий мақсадларимиздан бири мамлакатимизнинг молия-банк, кредит тизимини янада мустаҳкамлаш, уларнинг реал секторга ижобий таъсирини кенгайтириш, хорижий инвестицияларни, аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларни юртимизга олиб келиш учун керакли шароит туғдириб бериш ва рағбатлантириш масалаларидир, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бизнинг инқирозга қарши кўраётган ана шундай чораларимиз ҳозирнинг ўзида дастлабки, аммо ишончли натижаларни бермоқда.

Бу ҳақда кўп гапирмасдан, фақат 2009 йилнинг биринчи ярми якунларини оладиган бўлсак, шу даврда Ўзбекистон иқтисодий таъминнинг изчил ва мутаносиб ривожланиб, барқарор ўсиш суръатларига эришганимизни қайд этиш лозим.

Шу вақт мобайнида ялпи ички маҳсулот 8,2 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 9,1 фоизга, товарлар экспорти ҳажми 13,4 фоизга ўсгани, шу билан бирга, инфляция даражаси 3,5 фоиздан ортагани, амалга оширилган тадбирлар ҳисобидан мамлакатимизда 530 мингдан кўпроқ янги иш ўрни яратилгани, аҳолининг реал пул даромадлари 26,0 фоизга ўсгани бунга яққол кўрсатиб турибди.

Иқтисодий таъминнинг ривожлантириш, уни модернизация қилиш ва техник-технологик қайта жиҳозлаш мақсадида жалб этилган инвестициялар ҳажми шу йилнинг олти ойи мобайнида 32,7 фоизга ўсгани, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 2,6 баробар кўпайганини қайд этиш лозим.

Ўтган 2008 йилда ва 2009 йилнинг биринчи ярмида давлат бюджети профити билан бажарилгани туфайли жорий йилнинг 1 августидан меҳнатчиларимизнинг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдори 25 фоизга оширилгани ва иншоолло, йилнинг охирига қадар яна ошириш имконияти мавжудлигини инобатга олган ҳолда, аҳолининг бу йилги даромадлари ўтган йилгидан кам бўлмайди, деб ишонч билан айтишга тўлиқ асосларимиз бор.

Бугунги кунда халқаро ҳамжамият, жумладан, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осие тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки каби ташкилотлар, нуфузли халқаро эксперт ва таҳлилчилар Ўзбекистонда олиб борилаётган чуқур ва кенг қўламли ислохотларнинг амалий самарасини муносиб баҳолаб, холисона тан олмоқда.

Шу йил май ойида Тошкентда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чораларига бағишлаб ўтказилган халқаро конференция ҳам шундан далолат беради.

Халқаро валюта жамғармаси бошқарувчи директори Доминик Стросс-Кан жаноблари юртимизда ислохотларнинг бориши билан яқиндан танишиб, жорий йилда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бирини ташкил этишини расман маълум қилгани ана шундай эътирофнинг яна бир тасдиғи бўлди.

Шуни айтиш керакки, биз ҳозирги вақтда нафақат инқирознинг салбий таъсирини юмшатиш устида бош қотиряпмиз, шу билан бирга, инқироз тугаган кейин Ўзбекистон иқтисодий таъминнинг янада кучли, барқарор ва мутаносиб ривожланган ҳолда майдонга чиқиши, жаҳон бозорида ўзимизнинг мустаҳкам ўрнимизни эгаллаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини ошириш бўйича жиддий иш олиб бормоқдамиз.

Бу тўғрида узоқ гапирмасдан, фақат битта мисолни олиб келмоқчиман.

Биз шу йилнинг бошида “2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳоз-

лаш бўйича муҳим лойиҳаларни амалга оширишга доир чора-тадбирлар дастури”ни қабул қилганимиздан хабарингиз бор, деб ўйлайман.

Бу дастурга биноан умумий қиймати 41,4 миллиард долларга тенг бўлган тўрт юздан зиёд инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилганининг ўзи бизнинг режаларимиз нақадар улкан ва жиддий эканининг далили десак, асло муболаға бўлмайди.

Азиз дўстлар, биродарлар, бугун мана шундай ҳал қилувчи дамларни бошимиздан кечираётган эканмиз, эртанги кунимиз янада обод бўлиши, Ўзбекистонимизнинг ривожланган давлатлар қаторидан жой олиши учун пухта ўйланган дастурларни қабул қилаётган эканмиз, ҳеч қачон қўлга киритган ютуқлардан бошимиз айланб, оёғимиз ердан узилмаслиги кераклигини, бу йўлда ҳар бир қадамни ҳақиқатан ҳам етти ўлчаб бир кесган ҳолда қўйиш лозимлигини унутмаслигимиз зарур.

Бугун жаҳонда, яқин ва узоқ атрофимизда бўлаётган кескинлашув ҳолатлари, умуман, бутун дунёда сақланаётган ҳавф-хатар ва қарама-қаршиликлар, шулар қаторида аввало халқаро майдонда давом этаётган молиявий инқирознинг ўзи бизни янада сезгир, ҳушёр ва огоҳ бўлишга ва ўз вақтида тегишли хулосаларни чиқаришга даъват этади.

Биз тарихан қисқа даврда халқимизнинг фидокорона меҳнати, мардлиги ва матонати билан том маънода асрий ўзгаришларга эришганимизни бугун ҳеч қим — бизга хайрихоҳ бўлган инсонлар ҳам, бизга қандайдир беписанд қарайдиганлар ҳам инкор этолмайди.

Биз ўтган давр мобайнида қандай мураккаб ва машаққатли йўлни босиб ўтган бўлсак, “эл-юртимиз ана шу оғир синов ва қийинчиликларда ҳар томонлама чиниқиб, тобланиб, иродаси бақувват бўлиб бормоқда.

Энг муҳими, бугун бизнинг онгу тафаккуримиз, дунёқарашимиз тубдан ўзгармоқда. Биз бугун ўз тақдирини ўз қўлига олган озод халқ, эркин миллат бўлиб, ҳеч қимдан кам бўлмасдан, маърифий дунё билан бирга ҳам-қадам бўлиб бормоқдамиз.

Энди биз ўтган асрнинг 90-йилларидаги одамлар эмасмиз. Юртдошларимизда ўз ери, ўз мулки учун эгаллик ҳиссиёти, ён-атрофда ва дунёда юз бераётган ўзгаришларга дахлдорлик ва масъулият туйғуси тобора кучайиб бормоқда.

Ўзлигини чуқур англаб, қандай буюк зотларнинг авлоди, қандай азиз ва муқаддас Ватанининг фарзанди эканидан доимо гурурланиб яшайдиган бундай бунёдкор ва бағрикенг халқ билан ҳар қандай юксак чўққиларни забт этиш мумкин. Менда бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Бугун бир фикрни тўла ишонч билан айтишга барча асосларимиз бор — йўлимизда қандай оғир, машаққатли синов ва қийинчиликлар бўлмасин, биз ҳеч қачон бўш келмаганмиз ва бундан кейин ҳам ҳеч қачон бўш келмаймиз!

Муҳтарам юртдошлар!

Бугун Тошкент ҳақида, бу буюк шаҳарнинг нафақат Ўзбекистонимиз, балки бутун Шарқ оламидаги ўрни ва аҳамияти, унинг ўзига хос хусусият ва аломатлари ҳақида гапирар эканмиз, мен ҳам кўпчилик қатори, руҳсатингиз билан, Ватанимизнинг гавҳари бўлмиш бу шаҳарга ўз меҳримни билдириб, қалбимда, юрагимда бўлган ўй-фикрларим, эзгу ҳиссиётларимни изҳор этишни ўзимнинг бурчим, деб биламан.

Тошкентнинг майин ҳавоси, гўзал табиати, кут-барақа ёғиладиган фусункор боғлари, зилол ва шифобахш сувлари ҳақида қандай гўзал таърифлар битилмаган. Хусусан, XVI асрда яшаб ўтган тарихчи аллома Зайниддин Восифий Тошкентни улуғлаб, бу дунёни бир бор кўрган одам бамисоли жаннат боғларини кезгандек бўлади, деб ёзганида айтиш керакки, ифода этган эди.

Йигирма икки аср аввал барпо этилган, Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган, ўзининг муҳим жуғрофий ва геосиёсий ўрни, дунё цивилизацияси ривожига қўшган улкан ҳиссаси билан ҳақли равишда “Шарқ дарвозаси” деб ном олган Ватанимиз пойтахти — азим Тошкент серкуёш Ўзбекистонимизнинг бой тарихи ва бетакрор кўрку тароватини ўзида яққол намоён этади.

(Давоми 3-бетда).

# ТАРИХИ БОЙ, БУГУНИ ГЎЗАЛ, КЕЛАЖАГИ БУЮК ШАҲАР

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-2-бетларда).

Тошкент бугунги кунда нафақат мамлакатимиз, балки бутун минтақамизнинг юксак тараққий этган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-молиявий ва маънавий-маърифий марказидир. У — қудратли sanoat ва транспорт-коммуникация тармоқлари, замонавий ижтимоий инфратузилмаларни ўзида мужассам этган йирик мегаполисидир.

Бу гўзал маскан шарқона қиёфа, анъанавий ва замонавий архитектура ҳамда ислом маданияти қадриятларини ноёб бир тарзда ўзаро уйғунлаштирган бекиёс шаҳардир. Бетакрор Тошкент — кўпмиллатли халқимизнинг фахри ва гурури, тинчлик-осойишталик ва барқарорлик тимсолидир.

Бу кўҳна шаҳар ўз тарихида не-не босқин ва синовларни кўрмади, неча бор вайрон бўлиб, гоҳ Қанқа, гоҳ Бинкат, гоҳ Мингўрик, гоҳ Чоч ва Шош каби номлар билан шу тупроқда яшаган аждодларимизнинг машаққатли меҳнати, матонати ва жасорати туфайли ҳар сафар қайта тикланди.

Тошкент ҳақида ўйлаганда, беихтиёр бу шаҳар нима учун айнан шу ерда, шу заминда пайдо бўлган, деган савол туғилади.

Бизгача етиб келган илмий маълумотларни қиёслаб, умумлаштирган ҳолда фикр юритадиган бўлсак, Тошкентнинг шаҳар сифатида вужудга келиши ва шаклланиши объектив тарихий зарурат натижаси бўлганини таъкидлаш лозим.

Милонинг дастлабки асрларига оид хитой манбаларида Ши, яъни “тош шаҳар” деб тилга олинган бу ўлка тарихчи олимларнинг фикрларига кўра, минтақамиздаги энг қадимий одамзот манзилгоҳларидан бири ҳисобланади.

Маълумки, қадим замонларда шаҳарларнинг пайдо бўлишида аввало ҳимоя ва таъминот масаласи хал қилувчи ўрин тутган. Шу маънода, Тошкентнинг Чотқол ва Курама тоғ тизмалари билан ўралган ҳудудда, азим Сирдарё ва Чирчиқ дарёларининг серсув соҳилларида, олтин ва кумуш, мис ва кўрғошин, рангли металл конлари, кенг дала ва яйловлар, бой табиат ва ҳайвонот оламига эга бўлган воҳада пайдо бўлгани албатта бежиз эмас.

Ана шундай бекиёс имкониятлар ҳисобидан бу ерда қадимдан деҳқончилик ва чорвачилик, металл қазиб олиши, тўқимачилик, кулчилик ва шишасозлик сингари касбу ҳунарлар кенг ривож топган. Буни кўҳна Тошкентда мавжуд бўлган Темирчи, Мисгарлик, Дегрезлик, Ҳўчи, Эгарчи, Тақачи, Маҳсидўзлик, Кўнчилик, Парчабоф каби кўча ва маҳаллалар, гузарларнинг тарихий номлари ҳам яққол исботлаб турибди.

Айниқса, тошкентлик моҳир усталар томонидан тайёрланган жанговар қуроллар, жумладан, Шош камонлари ва ўқ-ёйлар, эгар-жабдуқ ва қалқонлар дунёда машҳур бўлганини ҳам турли манбалар тасдиқлайди.

Тошкентнинг “нон шаҳри” деб етти иқлимда шухрат қозонишида, албатта, бу шаҳарнинг кут-баракали, унумдор тупроғи, энг муҳими, шу масканда туп қўйиб, палак ёзган ота-боболаримизнинг меҳр-оқибати ва қалб саховати асос бўлганини, ўйлайманки, тушуниш, англаш қийин эмас.

Пойтахтимиз номига, шонига, тарихига сингир кетган бундай хусусиятлар ҳақида кўп гапириш мумкин.

Лекин, энг муҳими, ҳар қандай ҳаётини синовлар, табиий офатларга қарамасдан, ўз ўрнида доимо муқим бўлиб келаётган Тошкентнинг бугунги юксак тараққийини кўрган инсон, бу шаҳар учун айнан шу жой танлангани тарих давомида ҳар томонлама ўзини оқлаганига тақдир ва тақдир ишонч ҳосил қилади.

Содда қилиб айтганда, бугун, орадан ашунча вақт ўтиши билан Тошкентнинг айнан шу маконда ҳануз барқарор бўлиб келаётгани одамни нафақат ҳайратга солади, шу билан бирга, узқони ўйлаб иш тутган, бу шаҳарга асос солган олис аждодларимизнинг ақлу заковатига тан беришга, таъзим қилишга ундайди.

Азиз дўстлар, бир хоятли ўзимизга тасаввур қилиб кўрайлик. Агарки, орадан асрлар, минг йиллар ўтганидан кейин, бугунги кунда замонавий билим ва тажриба, цивилизация ютуқларига суяниб, Тошкентдек азим шаҳар учун бошқатдан жой танлаш зарурати туғилмайдиган бўлса, ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин, яна айнан шу жойни танлашга тўғри келган бўлур эди.

Ҳар бир гишти, ҳар бир қарич ерида улур

аждодларимизнинг излари қолган бу ҳосиятли заминдан номлари бутун ислом оламида маълуми машҳур бўлган Имом Қафқол Шоший ва Шайх Хованди Тохур, Хўжа Аҳрор Валий, Ҳофиз Қўйқий ва Шайх Зайниддин бобо, Иброҳим ота ва Қўйқий ота сингари азиз-авлиёлар, “Шоший”, “Тошкандий” тахаллуси билан илму маърифат, дину диёнат, маданият ривожига улкан ҳисса қўшган юзлаб аллома ва мутафаккир зотлар етишиб чиққан.

Тошкент ҳақида сўз юритар эканмиз, ҳеч шубҳасиз, бу шаҳар тарихига ёрқин саҳифалар битган Амир Темур бобомизнинг муборақ номини эсга олишимиз албатта табиийдир.

Соҳибқирон ҳазратлари Туркистон ўлкасида буюк ва қудратли давлат барпо этишида Тошкентнинг қандай ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини яхши тушунар эди. Шунинг учун ҳам Тошкент ҳақли равишда теурийлар давлатининг мустақкам кўргонига, салтанат таянчига айланган.

Тошкент ҳамма замонларда ҳам меҳмондўст, бағрикенг шаҳар бўлганини унинг машҳур 12 дарвозаси орқали шарқу ғарб, жанубу шимолдан, дунёнинг ҳамма минтақаларидан савдо карвонлари бу масканга кириб келгани, ўз навбатида, Тошкентдан ҳам жаҳоннинг турли ўлкаларига қараб карвонлар йўл олгани, шу тариқа бу заминда цивилизация ва маданиятларнинг ажиб бир тарзда ўзаро уйғунлашиб кетганини кўп-кўп мисолларда кўриш мумкин.

Азал-азалдан Тошкентни азимда барча миллат ва элатларнинг вакиллари ризқ-насиба топиб, бир-бири билан аҳил ва ҳамжиҳат бўлиб, бир-бирига елкадош бўлиб яшаб келганига кўҳна тарих гувоҳлик беради. Бу фикрни Тошкент тупроғида қадимдан мавжуд бўлган Қашқар, Турк ариқ, Эрон, Нўғой тепа, Қозоқ бозор, Қирғиз кўприк, Тожик маҳалла каби маҳалла ва мавзеларнинг номлари ҳам тасдиқлайди.

Тошкентнинг Тошкент деб, яъни тошдек мустақкам шаҳар деб доврқ таратишида бу ерда яшаган аҳолининг асрлар давомида ёлларга қарши — бу мўғул босқини ёки араб истилоси бўладими, бошқа мустамлакачи кучлар бўладими — уларнинг барчасига қарши кўрсатган мардона жасорати муҳим роль ўйнагани шубҳасиз, албатта.

Айниқса, кейинги бир ярим аср давомида юртимиз ҳаётида қандай улкан ва ҳал қилувчи, шу билан бирга, қандай оғир ва изтиробли воқеалар юз берган бўлса, Тошкент ҳаммаша уларнинг марказида бўлиб келмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, XIX асрнинг иккинчи ярмида чор Россияси томонидан Ўрта Осиёни забт этишга қаратилган ҳаракатларнинг дастлабки зарбасига айнан Тошкент дуч келгани ва шаҳар аҳли ўз юртини ҳимоя қилишга бутун куч-қувватини сафарбар қилгани тарих саҳифаларида муҳрланиб қолганини эслаш жоиз.

XX асрда бутун мамлакатимиз қатори бошига қандай оғир мусибат ва синовлар тушмасин — бу шўролар тузумининг ўрнатилиши бўладими, 20-30-йиллардаги даҳшатли очарчилик ва қатағонлар бўладими, уруш даврининг қийинчиликлари бўладими, 1966 йилдаги кучли zilзила талафотлари бўладими — буларнинг барчасини Тошкент сабр-тоқат ва матонат билан энгиб ўтганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Айниқса, Иккинчи жаҳон уруши йилларида Тошкентнинг минг-минглаб ўғил-қизлари фашизмга қарши жангларда мардона иштирок этди. Айни пайтда у фронт ҳудудларидан кўчириб келтирилган неча ўн минглаб инсонларни, ота-онасиз қолган болаларни “Сен етим эмассан!” деб бағрига олди, бир бурда нонини улар билан баҳам кўрди. Тошкент аҳли, эл-юртимиз томонидан кўрсатилган инсонпарварлик ва меҳрибонлик фазилатларининг ёрқин намунаси бўлмиш бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Сўнгги пайтда бу муаззам шаҳарга мансуб гўзал таърифлар қаторига “Тошкент — ислом маданияти пойтахти” деган юксак номнинг қўшилгани ҳар қандай мураккаб замонларда ҳам ўзининг миллий-диний қадриятларини сақлаб қолишга эришган пойтахтимиз, бутун халқимизга берилган яна бир муносиб баҳо бўлди.

Қадрли дўстлар!

Тошкент ҳақида сўз борганда, шу азим масканда туғилиб вояга етган, оила куриб, бахт топганлар бўладими, узқ-яқиндан келиб, Тош-

кент бағрида таълим-тарбия олган инсонлар бўладими, бир сўз билан, ўзбекона қилиб айтганда, кимки Тошкентнинг сувини ичиб, тузини тотган бўлса, барчамизнинг қалбимизда, тасаввуримизда бу шаҳар билан боғлиқ воқеалар, ёрқин кечинмалар, ширин хотиралар жонланади. Шу маънода, Тошкент ягона Ватанинг ифодаси, ажралмас қисми сифатида юртимизда яшайдиган ҳар қайси инсоннинг юрагидан умрбод жой олиши шубҳасиздир.

Лўнда қилиб айтганда, ҳар биримизнинг ўз Тошкентимиз бор, десак, буям ҳар томонлама тўғри бўлади.

Албатта, бугунги кунда Тошкент таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Қадимий даҳалар, тангу тор, эски кўчалар ўрнини замонавий бинолар, гўзал майдон ва хиёбонлар, равон йўл ва кўприклар, кўркам фавворалар эгаллади. Лекин пойтахтимиз қандай ўзгармасин, одам барибир болалиги, ёшлиги, илк муҳаббати кечган жойларни беихтиёр эслайди.

Тошкентнинг файзли манзараларини, ўзи учратган, меҳридан баҳраманд бўлган маҳаллий халқ вакиллари, саховатли, дилкаш ва дошиманд инсонларни, уларнинг дийдорини, суҳбатини кўмсайди, соғинади.

Биров Бешёғоч майдонини, кимдир Арпапоя кўчасини, яна кимдир Кўкча даҳасини ёдга олади. Яна кимдир талаба дўстлари билан Анҳор соҳилларида кечган беғубор дамларини хаёлидан ўтказилади.

Бу шаҳарда туғилиб камол топган Абдулла Авлоний, Мунаввар қори, Абдулла Қодирий, Ойбек, Фафур Фулом, Зулфия, Мирқарим Осим, Саид Аҳмад, Обид Содиқов, Собир Юнусов, Яхё Фуломов, Юнус Ражабий, Шукр Бурҳонов, Ўлмас Умарбеков сингари — бу рўйхатни яна узққ давом эттириш мумкин — унлаб буюк илм-фан ва маданият намояндлари халқимизнинг ижтимоий тафаккури, маънавий оламини юксалтиришга бебаҳо ҳисса қўшганини барчамиз ҳаммаша миннатдорлик билан эслаймиз.

Шулар қаторида Тошкентда илдириб олиб, унинг бағрида ўз истеъдоди ва салоҳиятини рўёбга чиқаришга эришган минг-минглаб машҳур ватандошларимиз ва узққ-яқин ўлкалардан келган инсонларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳам бу шаҳар тарихининг узвий бир қисмига айланиб кетганини яхши биламиз.

Мен ҳам бошқалар қатори кўҳна Тошкентни, унинг эски толзор кўчаларини, паҳса деворли уйлари, райхон хиди, тандирдан узилган нон иси фуриб турадиган файзли ҳовлиларни, трамвайлар кўнгириги, уларнинг гулдурган товушини хали-бери яхши эслаймэн. Эски Жўва, Чорсу, Хадра майдонлари, Навоий кўчаси, Собиқ Галаба парки, zilзиладан олдинги Чилонзор боғлари ҳозир ҳам кўз ўнгимда туради.

Ишончим комилки, бундай ҳиссиёт ва кечинмалар жуда кўп одамларга хос бўлиб, юртни севиш, уни жондан азиз кўриш айнан мана шундай мисоллар орқали яққол намоён бўлади.

Айтиш керакки, Тошкент халқининг ҳеч кимга ўхшамайдиган табиати, истараси иссиқ чехраси, ўзига хос бетакрор шеваси юрагимдан чуқур жой олган бўлиб, мен бу элнинг инсоний фазилатларини юксак қадрлайман, доимо уларга муносиб бўлишни истаймэн.

Бугунги кунда Тошкентимизнинг ҳаёти бутун мамлакатимиз ҳаёти билан шундай узвий боғлиниб кетгани, бунинг таъсирини сезмаслик, англамаслик мумкин эмас.

Ватанимизнинг бепоён ҳудудини Тошкентда туриб, худдики тоғ чўққисидан қарагандек кузатиш, қиёслаш, тасаввур қилиш мумкин. Таъбир жоиз бўлса, Худонинг ўзи бу муаззам шаҳарни шундай юксакка кўтариб, унинг мақомини пойтахт бўлишга ҳар томонлама муносиб қилиб яратган, десак, муболага бўлмайди.

Тошкентнинг барча жабҳаларда, айниқса, бунёдкорлик ва ободончилик борасида юртимиздаги бошқа шаҳарларга ўрнатилган бўлиб, ҳақиқатан ҳам, халқимиз, миллатимиз қиёфасини, унинг моддий ва маънавий қудратини ўзида ёрқин мужассам этиб келаётгани билан ҳар қанча гурурлансак арзийди.

Аваламбор, Тошкентнинг маркази ва юраги бўлган, бутун халқимиз учун фахр ва ифтихор тимсолига, кутлуғ қадамжога айланган Мустақиллик майдонини бир марта кўрган инсон унга умрбод мафтун бўлиб қолиши муқаррар.

Барчамиз қаерда бўлмайлик, қайси юртларни кезмайлик, доимо Тошкентни соғиниб, унга талпиниб, суяниб яшаймиз. Тошкентнинг та-

ригини еган чумчуқ Маккадан ҳам қайтиб келади, деган нақл бежиз айтилмаган.

Шаҳсан мен ўз ҳаётим, раҳбарлик фаолиятим давомида жаҳондаги кўплаб узққ-яқин, катта-кичик мамлакатларни кўрдим. Мана, яқинда дунёнинг нариги четида жойлашган, Бразилия деб ном олган йирик давлатни ҳам бориб кўриш насиб этди.

Мен бир фикрни илгари ҳам айтганман ва уни бугун ҳам такрорласам, тўғри тушунасизлар, деб ўйлайман. Қаерга бормайин, у ўлка қандай гўзал ва бетакрор бўлиб туюлмасин, мен у ерда икки-уч кундан ортиқ туролмайман. Қандайдир буюк, балки илоҳий бир куч мени беихтиёр ўз юртимизга, Тошкентга тортaveraди.

Бундай ҳиссиётни фақат мен эмас, балки жуда кўпчилик юртдошларимиз ҳам бошидан кечиради, десам, ўйлайманки, адашмаган бўламан.

Нафақат юртимизда, балки чет элларда ҳам, мен Тошкентда таълим олганман, унинг сувини ичиб, нонини еганман, мен Тошкент мактабини кўрганман, деб бу шаҳарга меҳр ва ҳурмат билан яшаётган минг-минглаб одамларни учратганда, албатта, ҳаммамиз ифтихор туйғусини ҳис этамиз.

Табиийки, бугунги ёшларимизнинг ҳам ўз Тошкенти бор. Улар Тошкент деганда, авваламбор, мустақил Ватанимиз пойтахтини, энг замонавий талабарга жавоб берадиган мактаблар, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларини, спорт, маданият ва маънавият масканларини тасаввур қилади.

Тошкент бугунги кунда миллионлаб фарзандларимизнинг эзгу интилишларига қанот берадиган, уларнинг парвози учун янги-янги уфқлар очадиган, том маънода ёшларнинг орзусидаги шаҳарга айланмоқда.

Бу гапларнинг барчасини умумлаштириб, бир сўз билан айтадиган бўлсак, биз Тошкент тимсолида Ўзбекистонни, Ўзбекистон тимсолида эса Тошкентни севамиз ва қадрлаймиз.

Барчамизга аёнки, пойтахт аҳли, деган иборада жуда катта маъно, жуда катта масъулият бор. Мана шундай юксак шарафни чуқур англаб, унга доимо ўзининг амалий ишлари билан муносиб бўлиб келаётган Тошкент халқи ҳар қандай ҳурмат-эътиборга сазовордир.

Мен шу юксак минбарда туриб, Тошкентни Тошкент қилган, унинг тупроғини кўзига тўтиё этиб яшаётган, кўпни кўрган, фидойи, оққўнги ва меҳридарё Тошкент аҳлига бош эгиб таъзим қиламан.

Ҳурматли юртдошлар!

Энди руҳсатингиз билан менга юклатилган шарафли ва қувончли бир вазифани адо этишга ўтсам.

Сизларга яхши маълумки, юртимизда миллий давлатчиликни шакллантириш, мустақил ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, тинчлик ва барқарорликни мустақкамлаш, давлатлараро ҳамкорлик, халқлар ўртасидаги дўстлик муносабатларини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси, эзгу анъаналарни сақлаш, маданий, маънавий-маърифий ҳаётимизни юксалтириш, ёш авлодимизни Ватанга муҳаббат, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш борасидаги улкан хизматлари учун ҳамда 2200 йиллик юбилейи муносабати билан Тошкент шаҳри “Мустақиллик” ордени билан мукофотланган эди.

Энди катта мамнуният билан Тошкент шаҳрига ана шу юксак мукофотни топширишга ижозат бергайсиз.

Мухтарам Тошкент аҳли, қадрдонларим!

Мана шундай унутилмас лаҳзаларда сизларни бугунги кутлуғ байрам билан яна бир бор табриқлаб, барчангизга сизаҳт-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-осойишталик ва кут-барака тилаб қоламан.

Фурсатдан фойдаланиб, Тошкентнинг бугунги катта тўйини ўтказишга муносиб ҳисса қўшган нуфузли ЮНЕСКО халқаро ташкилотига, бизнинг қувончимизга шерик бўлаётган хорижий элчионалар ва ваколатхоналар вакилларига, узққ-яқиндаги барча дўстларимиз ва ҳамкорларимизга чин қалбимдан миннатдорлик билдираман.

Юртимизнинг фахру ифтихори бўлмиш азим Тошкент шаҳрининг умри боқий бўлсин!

Тошкентдек буюк шаҳарларни яратган халқимиз мангу яшасин, бахту саодати янада зиёда бўлсин!

Оллоҳнинг ўзи барча эзгу ишларимизда мадақдор бўлсин!

# ТАРИХИ БОЙ, БУГУНИ ГЎЗАЛ, КЕЛАЖАГИ БУЮК ШАҲАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Жорий йилнинг апрель ойида ЮНЕСКОнинг Париждаги бош қароргоҳида Тошкентнинг 2200 йиллиги кенг нишонланди. Тошкентда азим шаҳримизнинг тарихига бағишлаб ўтказилган халқаро илмий конференцияда Осиё ва Европа цивилизациясининг турли даврларида пойтахтимизнинг тутган бекиёс ўрни дунё олимлари томонидан алоҳида таъкидланди.

Истиқлол йилларида Тошкент мустақил Ўзбекистон пойтахти сифатида ҳар томонлама юксалди. Амалга оширилган кенг қўламли ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари самарасида шаҳар қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Бу ердаги ҳар бир маскан ўзининг тарихий анъаналари, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий салоҳиятига муносиб тарзда қайта тикланди. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан бунёд этилган ва тубдан таъмирланган бино ва иншоотлар, йўллар, турар-жойлар яхлит меъморий ечими билан алоҳида ансамблини ташкил этди. Эски шаҳарнинг қадимий маҳаллалари, Ҳазрати Имом (Ҳасимом) мажмуаси шаҳарнинг бой тарихидан гувоҳлик берса, Мустақиллик майдони ва унга туташ худудлар, замонавий меъморлик анъаналари асосида бунёд этилган кўркем бинолар, замонавий меҳмонхоналар, бизнес-марказлар Тошкентнинг буюк келажагидан нишонандир.

Ўрта Осиёдаги дастлабки олий ўқув юрти Тошкент шаҳрида очилган. Бугун Тошкентда фаолият кўрсатаётган кўплаб олий ўқув юртлари, замонавий коллеж ва лицейлар илм-фан, таълим ривожига катта ҳисса қўшмоқда.

Тошкент бугун мустақил Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги юксак нуфузи ва обрў-эътибори рамзи, ўнлаб хорижий давлатлар элчихоналари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари



жойлашган, саммитлар, йирик халқаро анжуманлар ўтказилаётган, тинчлик ва дўстлик битимлари имзоланаётган машҳур шаҳардир. Қадимда ўзининг 12 дарвозаси орқали Буюк ипак йўлидан ўтаётган дунё карвонлари алоқаларини таъминлаган кўрна шаҳар бугунги кунда йирик халқаро транспорт марказларидан бирига айланди.

Тошкентнинг сўлим боғ-роғлари, фусункор табиати азал-азалдан дунё аҳли эътиборини ўзига тортиб келган. Шоир ва ёзувчилар, рассом ва бастакорлар ўз асарларида шаҳардаги сўлим гўшаларни жаннат боғларига қиёслаб, завқу шавқ ила таъриф берган. Ҳозир Тошкент улкан сайёҳлик инфратузилмасига эга замонавий шаҳардир.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг 2009 йил 20 август-


даги фармони билан, юртимизда миллий давлатчиликни шакллантириш, мустақил ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, тинчлик ва барқарорликни мустақамлаш, давлатлараро ҳамкорлик, халқлар ўртасидаги дўстлик муносабатларини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси, эзгу анъаналарни сақлаш, маданий, маънавий-маърифий ҳаётимизни юксалтириш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасидаги улкан хизматлари учун ҳамда 2200 йиллик юбилейи муносабати билан Тошкент шаҳри «Мустақиллик» ордени билан мукофотланди.

Президентимиз Ислам Каримов ушбу юксак мукофот — «Мустақиллик» орденини топширди.

Тантанада сўзга чиққан ЮНЕСКО Бош директорининг ўринбосари Ханс д'Орвилль, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессори Абдуғафур Расулов, Республика «Нуроний» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси Муҳаммадҷон Зуфаров Тошкентнинг тарихий қудрати, бугунги юксак салоҳиятини алоҳида таъкидладилар. Президент Ислам Каримов раҳнамолигида Тошкентнинг дунё миқёсидаги нуфузи ва обрў-эътиборини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишларни алоҳида қайд этдилар.

Маросим санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг катта байрам концерти билан якунланди.

**Хусниддин БЕРДИЕВ,**  
ЎЗА мухбири



## ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида «Дўстлик» маҳалласида яшовчи ўсмирлар ва болалар ўртасида стол тенниси бўйича уюштирилган мусобақалар юртимиз Истиқлолининг 18 йиллигига бағишланди.

✓ **ЭРТАГА** Юнусобод туманидаги 271-мактабда туман ҳокимлиги, Маънавият тарғибот марказининг туман бўлими, туман халқ таълими бўлими, «Маҳалла» жамғармаси,

«Камолот» ЁИХ туман бўлими лари ҳамкорликларида мамлакатимиз Истиқлолининг 18 йиллиги ҳамда азим пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтади.

✓ **СЕРКУЁШ** диёримиз Истиқлолининг 18 йиллиги ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига туҳфа сифатида бунёдкорлар томонидан замонавий услубда капитал таъмирдан чиқарилган 272-мактабнинг очилиш маросимида ўқувчилар, ўқитувчилар, ота-оналар иштирок этишди.

## XXI саҳоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН  
ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

• Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги арафасида Тўрткўлдаги болалар мусиқа ва санъат мактаби тўлиқ реконструкциядан чиқарилди. Таъмирлаш жараёнида жами 16та синф ва концерт зали реконструкция қилинган бўлиб, 8 та синф кўшимча равишда бунёд этилди.

• Лангар тоғ тизмалари бағрида жойлашган Хатирчи туманидаги Олтинсой қишлоғида янги сихатгоҳ фойдаланишга топширилди. Саксон ўринга мўлжалланган мазкур объектни «Хатирчи сервис» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари бунёд этди. Сихатгоҳ Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан зарур жиҳозлар билан таъминланди.

• Энг улуғ, энг азиз байрам — Ватанмиз мустақиллигининг 18 йиллиги муносабати билан Нукусда шаҳардаги олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ўртасида энгил атлетика бўйича мусобақа ўтказилди. Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан ўтказилган мусобақаларда иштирокчилар ёш тоифасига кўра уч ва икки километр масофага югуриш бўйича куч синашди.

• Андижон вилоят Қирғиз миллий-маданий маркази ташаббуси билан «Кўёш оламга нур сочади, дўстлик — элларга!» мавзусидаги талабалар тайёрлаган конференцияда кўшни Қирғизистоннинг Ўш давлат университетида ҳам меҳмонлар қатнашди.

• Зарафшонда «Қурувчи» номли янги спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Учта катта спорт залидан иборат мазкур мажмуада спортнинг бокс, кураш, оғир атлетика, баскетбол, мини-футбол, стол тенниси ва бадиий гимнастика каби турлари билан шугулланиш учун барча имкониятлар мавжуд.

• Ширин шаҳридаги Сирдарё иссиқлик электр станциясига қарашли «Нурчи» стадионида Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгашининг вилоят вакиллиги томонидан тармоқ ходимларини спортга жалб қилиш, миллий ва оммавий спортни ривожлантириш мақсадида Мустақиллигимизнинг 18 йиллигига бағишланган анъанавий вилоят спартакиадаси ўтказилди.

### ЖАҲОНДА

• Туркия ва Арманистон 1993 йилда узилиб қолган ўзаро дипломатик муносабатларни қайта тиклаш ҳақида келишиб олдилар.

• Ливияда инқилобнинг 60 йиллиги кенг нишонланди.

• Доғистоннинг Маҳачқалъа шаҳрида ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг сергаклиги туфайли навбатдаги йирик террорчилик ҳаракатининг олди олинди.

• Германия Федерал Канцлери Ангела Меркель ва Франция президенти Николя Саркози банкларни молиявий рағбатлантириш масалалари юзасидан қатъий тўхтама келиш бўйича ўзаро келишиб олдилар.

• «Химена» кучли бўронининг яқинлашиши муносабати билан Мексиканинг жануби-ғарбий қисмидан аҳолини хавфсиз жойларга кўчириш ишлари бошланди.

• Буюк Британия пойтахти Лондон шаҳрида машҳур Бразилия карнавалларини эслатувчи ўзига хос карнавал бўлиб ўтди.

• Афғонистон жанубида амалга оширилган портлаш оқибатида Буюк британиялик икки нафар ҳарбий ҳаётдан кўз юмди.

• Ингушетиядаги Моздок-Тбилиси газ ўтказгичи номаълум сабабларга кўра шикастланганлиги туфайли ушбу иншоотда кучли ёнғин чиқди.

• Ўттизта мамлакат вакиллари иштирокида Польшанинг Гданск шаҳрида II жаҳон уруши бошланганлигининг 70 йиллиги олдидан жаҳонда тинчликни ўрнатишга бағишланган ўзига хос тадбир бўлиб ўтди.

• Кеча АҚШнинг «Дискавери» космик кемаси коинотга муваффақиятли парвоз қилиб, Халқаро космик станциясига муваффақиятли тарзда туташди. Космик кема илмий тажрибалар ўтказиш учун керак бўладиган анжомларни Халқаро космик станцияга етказиб беради.

**Тадбиркорлик**

**БУГУННИНГ ТАЛАБИ АСОСИДА**

**Мустақиллигимиз шарофати билан мамлакатимизда тадбиркорликка очилган кенг йўл боис тадбиркорларимиз сафи нафақат сон, балки сифат жиҳатидан ҳам ортиб, иқтисодийтимиз ривождаги улуши салмоқли бўлмоқда.**

Албатта, кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорларнинг ички ҳамда ташқи бозорни ўрганиш асосидаги изланишлари самара бермоқдаки, «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрликли ўз маҳсулотларимиз маҳаллий харидорларни таъминлаши баробарида хорижий давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда.

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «FAROVON SHOES» масъулияти чекланган жамияти ҳам муваффақият сари интилаётган корхоналар сафидан ўрин олган бўлиб, бу ерда импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортбop пойабзаллар ишлаб чиқариш учун барча имкониятлар мавжуд. Энг муҳими эса ана шу мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланилмоқда.

— Албатта, бунинг учун саъй-ҳаракатларни асло бўшаётганимиз, — дейди корхона раҳбари Дилшод Розиков. — Цехларимиз бугунги кун ишлаб чиқариш талабларига тўла жавоб беради. Боиси уларни Италия, Хитой, Германия, Чехия сингари давлатлардаги таниқли фирмаларнинг технологик линия ҳамда дастгоҳлари билан жиҳозлаганмиз. Уларни 100 нафарга яқин малакали ва ёш мутахассисларимиз бошқаришмоқда. Барча турдаги, яъни эркаклар, аёл-

лар, болалар мавсумий пойабзалларини тайёрлашни мақсад қилганмиз. Бу борада уста дизайнер-модельерларимиз изланишмоқда. Шунингдек, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти мутахассислари билан ҳамкорликни ҳам йўлга қўйганмиз. Кўзлаган мақсадларимизни босқичма босқич амалга оширяймиз. Мақсадимиз пойабзалларнинг чидамли, рақобатбардош турларини кўпайтириш, айниқса ички бозорни сифатли оёқ кийимлари билан таъминлаш бўлиб, бунинг учун хориж ишбилармонлари билан ҳамкорликни ҳам мустаҳкамляймиз. Ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, оёқ кийимларининг замонавий, жаҳон андозалари даражасидаги турларини кўпайтиришни кўзлаган ҳолда Хитой давлатидан инвестиция киритишни ҳам режаллаганмиз.

Тадбиркорларнинг мазкур режаси амалга ошса, янада юксак унумли



технологик жиҳозлар келтирилади, ишчилар сафи ортади ва йил охиригача ишлаб чиқариш ҳажми 3 миллиард сўмга етказилади. Албатта, бугунги кунда жаҳоннинг кўплав давлатларида молиявий инқироз тўғрисида иш ўринлари қисқараётган бир пайтда мазкур корхонада янги иш ўринлари яратилиб, аҳоли бандлиги муаммоси ечимига муносиб ҳисса қўшилаётганини ниҳоятда эътиборлидир. Шунингдек, хотин-қизларга имкониятлар яратилиб, йил охиригача касаначилар сафи орти-

шига, уларга қулайликлар яратишига эришилади.

Кўш байрамларни муносиб кутиб олиш йўлида саъй-ҳаракат қилаётган пойабзалчилар элга манзур бўладиган сифатли оёқ кийимларини харидорларга тортиқ этишмоқда. Шунингдек, изланиш, ташаббус кўрсатиб меҳнат қилишга интилиммоқда. Зеро интилганга ҳамisha омад ёр бўлади.

**Шарифа ИЛЁСОВА СУРАТЛАРДА: пойабзалчилар сифатли маҳсулот тайёрлашмоқда.**

**Алоқа**

**«КАРОМАТ» ЖОРИЙ ЭТИЛДИ**

**Мамлакатимиз олий ўқув юртларида автоматлаштирилган кутубхона тизимини жорий этишга эришилди.**

Тошкент Давлат маданият институтида амалга оширилган бу янгилик Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан яхши баҳо олди.

«Каромат» деб номланган бу тизимнинг юзага келишида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан ҳамкорлик қўл келди. Кутубхонани автоматлаштириш жараёнида энг замонавий алоқа воситаларидан фойдаланилади.

**МИЖОЗЛАР МАМНУН**

**«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали аҳолига телефон хизмати кўрсатишда яхши самарадорликка эришмоқда.**

Республикамиз пойтахтида телефон ва маълумотлар узатиш тизими, юқори тизимдаги маълумотлар оқимини муҳасамлаштиришни таъминлаш учун юқори қувватли станциялараро оптик тармоқдан ҳам фойдаланилмоқда. Бугунги кунда филиал абонентлари 600 минг нафардан ошиб кетди. Шунингдек, мижозлар телефон тармоғининг сервис хизмати орқали об-ҳаво, аниқ вақт, шаҳар телефон тармоғи фаолияти ҳақида ҳам маълумотларга эга бўлаётлар.

**КЕНГ КЎЛАМЛИ МОНТАЖ ИШЛАРИ**

**«Телеком қурилиш» масъулияти чекланган жамияти ўзининг беш йиллик санасини нишонлади.**

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси телекоммуникация тармоқларини реконструкция қилиш ва модернизациялаш инвестицион лойиҳасини амалга оширишда ҳам бу корхона фаоллик кўрсатмоқда.

Телекоммуникация воситаларини монтаж қилиш борасида ҳам бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Тошкент шаҳар телефон тармоғи филиалига тегишли АТСлардан талайгинасида бундай жараён амалга оширилди.

**Транспорт**

**ТЕМИРЎЛЧИЛАРГА МУКОФОТЛАР**

**«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси корхона ва узелларида ўз касбини эъозлаб келаётган темирйўлчилар кўп. Яқинда уларнинг бир гуруҳ вакиллари муносиб тақдирландилар.**

Темир йўл соҳасидаги узоқ йиллик меҳнатлари, ишдаги ютуқлари ва ташаббус кўрсатганликлари учун улар «Фахрий темирйўлчи» кўкрак нишонига сазовор бўлдилар. Тошкент Минтақавий темир йўл узели, Тошкент юк вагон депоси Ўзбекистон вагонларида техник хизмат кўрсатиш шохчасининг илғор қурувчилари ҳам бундай фахрий номга лойиқ деб топилди.

**КОРХОНАЛАРГА ЙЎЛЛАНМА**

**Тошкент Темир йўл транспорти муҳандислари институти ҳамда темир йўл касб-ҳунар коллежини бу йил кўплаб ёш мутахассислар муваффақиятли битирдилар.**

Уларнинг аксариятига соҳанинг турли жабҳаларида меҳнат қилишга йўлланма берилди. Шунингдек, улар янги темир йўл линияларини бунёд этишда ҳам қатнашадилар. Транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш, ер усти транспорт тизими, телекоммуникация қурилиши каби йўналишлар бўйича диплом олган ёшлар ҳам ўз мутахассисликларини бошладилар.

**САРОЙНИНГ МОҲИР ҲАЙДОВЧИЛАРИ**

**«12-автобус саройи»да ҳозир 120 га яқин транспорт воситаси бор. «Мерседес-Бенц», «Исузу» русумли автобусларни эса корхонанинг тажрибали ҳайдовчилари моҳирлик билан бошқармоқдалар.**

Бу моҳир ҳайдовчилардан ўн нафари «Тошкент шаҳар йўловчи ташиш транспорти фахрий ходими» нишони билан тақдирланган. Анвар Исмаилов эса «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан мукофотланган.

**Акбар АЛИЕВ**

**Туманларда**

**ФАОЛЛАР ВА ЖОНКУЯРЛАР ТАҚДИРЛАНДИ**

**Куни кеча Собир Раҳимов туман ҳокимлигида Мустақилликнинг 18 йиллиги ва азим пойтахтимизнинг 2200 йиллиги муносабати билан туман ҳокимлиги томонидан байрам тадбири ўтказилди.**

Барчамиз учун энг улуғ ва энг азиз бўлган байрам арафасида, ўтган давр мобайнида босиб ўтилган мураккаб йўлимизга яна бир бор назар ташлаб, мустақил тараққиётимиз давомида амалга оширилган ишларимиз, эришилган ютуқларимизни холисона баҳолаш ва уларнинг муҳияти ҳамда аҳамиятини кенг жамоатчилик эътиборига етказиш мақсадга мувофиқдир. Шу сабабдан тадбир давомида қадимий ва ҳамisha навқирон Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносиб тайёргарлик кўриш борасида туманда олиб борилган ишлар ва кенг қамровли тадбирлар ҳақида сўз юритилди.

Халқ сайлида миллий хунармандчилик кўргазмаси, аҳоли учун зарур бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдо ярмаркаси, қовун сайли, санъаткорлар иштирокидаги байрам дастури намойиш этилди.

Ушбу байрам тадбирини ўтказишдан мақсад, фуқароларимиз, айниқса ёшларимизнинг она-Ватанга бўлган муҳаббатини ошириш, миллий қадрият ва аънаваларимизни ҳурмат қилиш, ўтган аллоамаларимизнинг ҳаёти ва ижоди билан танишишга имкон яратиш ҳамда шахримиз тарихини ўрганишдан иборатдир.

Тадбир жараёнида туман маҳаллаларида турли йўналишлар борасида ўтказилган тадбирларда, пойтахтимизнинг 2200 йиллигини муносиб кутиб олишда олиб борилган ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этган корхона, ташкилот, муассаса раҳбарлари ҳамда хусусий тадбиркорларни туман ҳокимлиги томонидан Фахрий ёрлик ва эсдалик совғалар билан тақдирлаш маросими ўтказилди.

(Ўз муҳбиримиз)

**Бугун бозорларимизни, савдо расталарини тўддириб турган маҳсулотларнинг сифати, яроқлилик мuddати ва бошқа белгиларига эътибор қаратиш истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилишда алоҳида аҳамият касб этади. Хўш, бугун истеъмолчи ва сотувчи ўртасида мувозанат қандай?**

ри тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори қонуний негиз яратмоқда.

Эндиги асосий вазифа истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини халққа тўғри тушуштириш, соҳада амалга оширилаётган иш-хотларнинг қўламини кенгайтириш, бир сўз билан айтганда, кечаги ва бугунги истеъмолчи ўртасидаги ижобий

дий, сарғиш қоғозда тайёрланганлиги истеъмолчини ҳушёр этиши лозим. Энг кизиги бошқа ёқда: ишлаб чиқарувчи — «Nestle» компаниясининг Тошкент шаҳрида ваколатхонаси тақдим этган маълумотига қараганда, юқорида тилга олинган маҳсулотни ишлаб чиқариш 2004 йилда тўхтатилган. Бизнеснинг ходимлар томонидан

**Истеъмолчилар ҳуқуқлари — қонун ҳимоясида**

**ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗАНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ**

Харидорлар харид мобайнида нималарга эътибор қаратишлари лозим? Тошкент шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш худудий бирлашмаси раиси Баҳодир АБДУКАСИМОВ бу мавзулар доирасида қуйидагича мулоҳаза юритади:

— Худудий бирлашманинг ўз олдига қўйган асосий иш фаолияти фақат озгаки ёки ёзма мувожаатларни, шикоятларни ўрганишдангина иборат эмас.

Гап шундаки, бозорларимизни сифатсиз маҳсулотлардан ҳимоя қилиш учун мониторинглар, давра сўхбатлари, таҳлиллар ўтказиб бормоқдамиз. Натижа ва ҳулосалар эса тегишли ҳуқуқтартибот ҳамда назорат органларига ҳавола этилади. Бу борадаги ишларни янада ривожлантиришимизда «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун, «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирла-

фарқни юзага келтиришдан иборатдир. Ана шу борадаги ишлар самараси ўлароқ жорий йилнинг биринчи чорасида 151 нафар истеъмолчининг мувожаоти ўрганиб чиқилди. Улардан 60 киши коммунал хизмат, 48 нафари савдо, 5 нафари соғлиқни сақлаш, шунингдек, бошқа соҳалар бўйича ўз шикоятларига ижобий ечим топишни сўрашган.

Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бугунги истеъмолчининг нафақат билим даражаси юқори, балки маҳсулот сифатига қароқат берадиган белгилар, рақамлар, этикеткаларнинг сохталлигини аниқ кўра оладиган алфозда сезгир бўлмоғи лозим. Масалан, «Щедрая душа» савдо белгиси остида чиқарилаётган қақо кукуничи олайлик. Бир қараганда у ростманасига ўхшайди. Аммо сохталлигини ошкор этадиган белгилари анчагина — қутичадаги ранглар, ёзувлар хира қоғоз халтага жойлангани, кейин қутига солинган халтача эса од-

диг, сарғиш қоғозда тайёрланганлиги истеъмолчини ҳушёр этиши лозим. Энг кизиги бошқа ёқда: ишлаб чиқарувчи — «Nestle» компаниясининг Тошкент шаҳрида ваколатхонаси тақдим этган маълумотига қараганда, юқорида тилга олинган маҳсулотни ишлаб чиқариш 2004 йилда тўхтатилган. Бизнеснинг ходимлар томонидан

қўлга киритилган «Щедрая душа» савдо белгиси сохта маҳсулотларда эса 2008 йил октябрь ойида чиқарилгани, яроқлилик мuddати 1 йил эканлиги қайдланган.

**Хидирали ПАНЖИЕВ ёзиб олди.**

**Кўргазмалар**

**«ГЎЗАЛ ТОШКЕНТИМ»**

**Санъат ҳамиша бутун борлиққа, инсониятга таъсир этувчи улкан кучга эга. Шунинг учун ҳам у ижодкордан кучли фикрлаш ва идрок қилишни ҳамда ижодий изланишларда ўзига хос ёндашувга эга бўлишни талаб этади.**

Рассом ўзининг ички кечинмаларини, она Ватанга бўлган меҳру муҳаббатини, садоқатини ўзи чизган асарларида ифода этади.

Куни кеча Тасвирий санъат галереясида Истиклолимизнинг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилеи муносабати билан ташкил этилган юртимиз расомларининг пойтахтни мадҳ этувчи «Гўзал Тошкентим» деб номланган танлов-кўргазмасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Мазкур танлов-кўргазма Ўзбекистон Бадий академияси ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан ташкил қилинди.

Тасвирий санъатнинг барча турлари ва жанрларида Тошкентга бағишланган янги асарлар яратиш, кенг жамоатчиликни пойтахтимиз тарихининг турли қирралари ва замонавий ҳаётини акс эттирувчи энг сара асарлар билан таништириш мақсадида уюштирилган кўргазмадан 250 га яқин ранг-тасвир, графика асарлари ўрин олди.

Бу асарларда Тошкентнинг тарихий-меъморий обидалари, замонавий меъморчилик усуллари, пойтахтимиз байрам ва удумлари ҳамда кундалик ҳаёти акс этганлигини кўришимиз мумкин.

Кўргазмада Ж.Умарбеков, А.Мирзаев, М.Содиқов, М.Кагаров, Ж.Усмонов, Х.Зиёнонов каби машҳур расомларнинг асарлари билан бир қатарда Н.Мирсолихова, Х.Ибрагимов, У.Саидов ва бошқа кўплаб ижодий ўғилга эндигина қадам ташлаган ёш расомларнинг ижод намуналари ҳам ўрин олган.

Рассомларнинг Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишланган тарихий мавзудаги энг яхши ижодий асарлари Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Бадий академияси ҳамда «Камолот»

ЁИХнинг шаҳар бўлими томонидан муносиб тақдирланди.

— Бизнинг расомлар мазкур мавзунинг турли қирраларда акс эттиришга чинакамига ҳаракат қилишди ва ижодий изланишлар жараёнида узун йўлнинг аввалида турганликларини ҳис қилишди. Тошкент ҳамиша ижодкорларни илҳомлантириб келган гўзал замин. Пойтахтимизга бағишланган янги ноёб асарлар яратилиши ҳали олдиндаликка аминимиз, — дейди санъатшунослик фанлари доктори, ҳайъат раиси Камола Акилова.

Кўргазма жорий йилнинг 27 сентябригача давом этади.

**Баҳодир ХОЛМАТОВ СУРАТЛАРДА: «Гўзал Тошкентим» деб номланган кўргазмадан лавҳалар.**

**Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар**



**АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР,  
ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ,  
ЗАҲМАТКАШ УСТОВ-МУРАББИЙЛАР!**

Энг улуғ, энг азиз байрам

**МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ  
18 ЙИЛЛИГИ**

ва қадимий ҳамда ҳамisha навқирон азим

**ТОШКЕНТНИНГ  
2200 ЙИЛЛИК ТҮЙИ**

барчангизга муборак бўлсин.

Фаровон турмуш,  
эл-юрт ободлиги  
ва тараққиёти йўлидаги  
ишларингизда улкан  
муваффақиятлар,  
келажагимиз эгалари бўлмиш  
ёшларимизнинг ўқиш  
ва изланишларида омад  
ёр бўлишига тилакдошимиз.

Юртимиз тинч,  
осмонимиз мусаффо,  
дилларимиз шод,  
хонадонларимиз обод бўлсин!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОНИ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

**ҚААРЛИ ҲАМШАҲАРЛАР, ПИРУ БААВАЛАТ ОТАХОНУ ОНАХОНЛАР,  
ЭРТАМИЗНИНГ ЁРУФ ЮЛАУЗЛАРИ БЎЛГАН ҚАЛБИ ҚАЙНОҚ ЁШЛАР**

*барчангизни Энг улуғ, энг азиз байрам —*

**МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ**

**18 йиллик**

*қутлуғ шодиёнаси ва*

**Тошкент азимнинг 2200 йиллик тўйи**

*билан самимий муборакбод этамиз.*

**Юртимиз тинч,  
хонадонимиз обод,  
дастурхонимиз тўкин-сочин**

**Ва қайсу баракага  
тўлиқ бўлсин.**

**Бахт, омад  
Ва соғлиқ-саломатлик  
ҳамиша ёр бўлсин!**

ЎЗБЕКИСТОН «МАҲАЛЛА» ЖАМҒАРМАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ

**ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!  
MEDIA ART PRESS МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН  
ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**

Сизларни

**ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ**

**18 ЙИЛЛИК**

**ҚУТЛУҒ ТҮЙИ ва**

**АЗИМ ПОЙТАХТИМИЗНИНГ**

**2200 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙИ**

*билан самимий қутлайди.*

*Қалбимизга қувонч ва ифтихор баҳи этаётган  
бу улуғ байрамлар барчамизга муборак бўлсин!*

*Юртимизда тинчлик-осойишталик ҳукм сурсин,  
хонадонларимизга қайсу барака тўлсин.*

**«NAZORAT-AUDIT»**

**масъулияти чекланган жамияти  
шаклидаги аудиторлик ташкилоти жамоаси**

Мустақиллик қуёши нур таратган куннинг

**18 йиллик**

қутлуғ байрами ҳамда

**Тошкент шаҳрининг**

**2200 йиллиги**

билан барча пойтахтимиз

аҳолиси ва меҳмонларини муборакбод этади.

Ҳамиша юртимиз обод, дастурхонларимиз тўкин,

она-Ватанимиз бунданда

қуллаб-яшнашини тилайди.

**Байрамингиз муборак бўлсин,  
азиз ҳамшаҳарлар!**

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ЙЎЛОВЧИ  
ТРАНСПОРТИНИНГ БАРЧА ТУРЛАРИ ҲАРАКАТИНИ  
ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ВА МУВОФИҚЛАШТИРИШ  
ДЕПАРТАМЕНТИ ЖАМОАСИ**

**АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ВА ПОЙТАХТИМИЗ  
МЕҲМОНЛАРИНИ, СОҲА ХОДИМЛАРИНИ**

**Энг азиз ва улуг байрам — мамлакатимиз**

**МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 18 ЙИЛЛИГИ**

ҳамда азим

**ПОЙТАХТИМИЗНИНГ ҚУТЛУҒ 2200 ЙИЛЛИК БАЙРАМИ**

билан чин дилдан муборакбод этади.

Шу қутлуғ кунларда ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларига мулкчиликнинг турли шаклидаги ташувчилар томонидан 128 та автобус йўналишларида «Мерседес Бенц» ва «Исузу» автобуслари, 181 та микроавтобус йўналишларида «Отайўл», «Газел» ва «Форд» русумидаги автомобиллар, Тошкент метрополитени, 1000 га яқин турли русумдаги енгил автомобиллар йўналишсиз такси сифатида сидқидилдан хизмат кўрсатиб узоқларини яқин қилишидан беҳад мамнунмиз.



Кўтаринки кайфият Сизларни асло тарк этмасин.  
Йўлларингиз раvon, дилларингиз нурафшон,  
Истиқлолимиз абалдий бўлсин!

Хизматлар лицензияланган

**«КОНСАУЛТИНФОРМ» ЁТИҚ АКЦИОНЕРЛИК АГЕНТЛИГИ ЖАМОАСИ**

**ЮРТДОШЛАРИМИЗ ВА АЗИМ ПОЙТАХТИМИЗ АҲЛИНИ**

мамлакатимиз ҳаётидаги

Энг улуг айём —

Муस्ताқиллигимизнинг

**18 йиллиги**

ва

Тошкент шаҳрининг қутлуғ

**2200 йиллик тўйи**

билан самимий тилаклар

ила қутлайди.

Барчангизга сиҳат-саломатлик,

омад, бахт-саодат,

Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши

йўлидаги фаолиятингизда

муваффақиятлар

ёр бўлсин.

**БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗЛАРИ!**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ АРХИВ ИШИ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ**

**АЗИЗ ЮРТДОШЛАРИМИЗ ВА ПОЙТАХТЛИКЛАРНИ**

Энг улуг ва энг азиз байрамимиз —

серқувёш диёримиз Муस्ताқиллигининг

**18 йиллиги**

ва азим пойтахтимизнинг

**2200 йиллик юбилейи**

билан чин қалбдан муборакбод этади.

Осмонимиз ҳамиша мусофиро,

юртимиз тинч, ҳаётимиз

фаровон бўлишини тилайди.

Хонадонларимиздан файзу-барака аримасин,

дастурхонимиз тўкин бўлсин.



**«AL-FAJRU»  
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН  
ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**

қадрли юртдошларимизни

Энг улуг ва шодиёна байрамимиз

**МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ**

**18 йиллиги**

ҳамда кўҳна

**ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ**

**2200 йиллик тўйи**

билан чин дилдан муборакбод этади.  
Истиқлол қуёши бошимиз узра абадий  
нур сочаверсин. Юртимиз тинч,  
хонадонларимиз обод бўлсин!

**МУСИҚАЧИЛАР УЧУН  
МУКАММАЛ ДАРСЛИК**

Профессионал музикачилар  
кутубхонаси бутун жаҳон музика  
санъати тарихининг тараққиёти ва  
шаклланишининг илк босқичларини  
ёритувчи янги қўлланма билан бойиди.

Бугунги кунда «Жаҳон халқларининг музика тарихи» фанининг аҳамияти профессионал музикачиларни тайёрлаш тизимида борган сари улкан ўрин тутмоқда. Синтетик мазмун касб этган, яъни, ҳам музикаий-тарихий, ҳам музикаий-назарий билим турларининг ҳар хил унсурларини ўзида муҳассам этувчи мазкур фан ўзининг жонли бадий материал, жаҳон маданияти, адабиёти тарихи билан бўлган кенг алоқалари ёш инсон тафаккурини кенгайтириб, қобилият ва малакасини маълум захиралар билан тўлдирди. Ёш музикачи онгини музика тарихи борасида маънавий ва эстетик жиҳатдан бойиёти, маданиятнинг асл дурдоналарини англашга имкон беради, башарият онгини буюк ижод намуналари билан таништиради ва уларни нафосатни қадрловчи ёшлар учун очиб беради.

Ушбу фан бўйича олинган билимлар музикачи учун қайси ихтисосликни танлашидан қатъи назар келгусида бутун ижодий йўли давомида зарур бўлади.

Ўқув қўлланмалари, уларни янгилаш музика ўқитувчиларининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Сўнги даврда мана шундай янги нашр «Жаҳон халқлари музика санъатининг ривожланиш жараёни» номли ўқув қўлланмаси бўлди. Дарсликни тузувчи муаллиф Ўзбекистон Давлат консерваторияси «Музика тарихи ва танқид» кафедрасининг доценти, санъатшунослик фанлари номзоди З.Мирхайдарова бўлиб, бундай қўлланманинг юзага келиш зарурати аллақачон турилган. Шунга ўхшаш қўлланмаларнинг илк нашрлари ҳали ўтган асрнинг 50-йилларидаёқ тайёрлаб қўйилган ва уларнинг аксарияти эскириб қолди. Бундан ташқари, уларнинг барчаси

аслида рус тилида ёзилган. З.Мирхайдарованинг ўқув қўлланмаси консерваториянинг I-курс талабаларига мўлжалланган. Тўққиз бўлимдан иборат дарслик ибтидоий жамиятдан бошлаб, то антик давргача музика санъатининг шаклланиш тарихини очиб беради. Муаллиф шу сингари дарсликларнинг анъанавий баён тузишини сақлаб қолган, аммо материални кўпроқ кенгайтирган ва бойитган. Бундан ташқари, тақдим этилаётган дарсликда қизиқувчан ўқувчи Гомернинг «Илиада» ва «Одиссея», Софокл ва Эсхил трагедиялари, қадимги юнон мифлари каби бадий ёдгорликлар, лавҳалар билан танишиши мумкин. З.Мирхайдарова музикаий санъат ривожининг тарихини тушунарли ва қизиқарли баён этади. Муаллиф бунда алоҳида музикаий материални, адабиёт, архитектура, тасвирий санъат, математика, физика сингари бошқа соҳаларни далиллар асосида тўлдирди. Қўлланмада музикаий жанрларнинг шаклланишига бағишланган тахлий бўлимлар аввалги нашрга нисбатан анча пухта ишлаб чиқилган. «Қадимги Миср музикаси», «Фаластин ва Финикия музикаси», «Юнон маданияти» каби бўлимларда янгиликлар муҳассам этилган. Ўқитувчилар ва талабалар «Юнон маданияти» номли сўнги бўлимда бажарилган ўзгартиришларни ва тўлдирилган маънуният ила пайқашлари муқаррар.

Демак, ибтидоий жамиятдан то антик даврларни ўз ичига олган ўзбек тилидаги янгиланган қўлланма яқинида етди, энди эса ўрта асрлар, уйғонш, классик, романтик даврлар музика тарихи ва ниҳоят, замонавий музика санъатини ёритувчи дарсликларга киришиш даркор.

Шойиста ГАНИХАНОВА

**Санъат**

**ЯНГИ МАВСУМ  
ТАРАДДУДИ**

Ўзбекистон Давлат академик Катта опера ва балет театри ўзининг саксонинчи ижодий мавсумига пухта ҳозирлик кўрмоқда.

Ҳар сафаргидек бу мавсумда томошабинлар қатор янги опера ва балет асарлари билан танишиш имконига эга бўладилар.

Янги мавсум машҳур «Кармен» операси билан бошланади. Уйлаймизки, бу спектаклнинг янги бадий талқини мухлислар томонидан яхши кутиб олинади.

Санъат кошонаси Ўзбекистон Давлат консерваторияси билан ҳамкорликда ҳам томошалар кўрсатади.

**БОЙ БАДИЙ  
ЭКСПОЗИЦИЯ**

Бундан беш йил аввал бу санъат даргоҳи Вазирлар Маҳкамаси қарори билан Халқаро маданият карвонсаройи мақомига эга бўлган эди.

Буюк Ипак йўлида жойлашган мамлакатларнинг маданий меросини оммалаштириш билан шуғулланаётган мазкур сарой томонидан халқаро бағрикенглик шиори асосида қатор кўрғазмалар ҳам ташкил этилмоқда. Бу ерда Ипак йўли тарихини ўзида акс эттирувчи янги бўлим ўз фаолиятини бошлади.

**ХОРИЖИЙ ДРАМАТИК  
АСАРЛАР**

Тошкентдаги академик рус драма театри репертуари янги асарлар билан бойиб бормоқда.

Чет эл муаллифлари ижод намуналари ҳам томошабинларда қизиқиш уйғотмоқда.

Испан драматурги Альвар Мартес қаламига мансуб қизқарли пьеса асосида постановка қилинган спектакль ҳам мазкур театр репертуаридан ўрин олди.

Озод АҲМЕДОВ



**МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БУСТОНИ**

**ХИКМАТЛАР**

“ПАНЧАТАНТРА”ДАН

Жонни фидо қилиб,  
одамларни кутқарган  
Киши номи ўлмасдир  
валийлар қаторида.

\*\*\*

Оқил маҳрамдан айрилсанг,  
Ер қўлдан кетгандек ёмон.  
Хосилдор ерни-ку топарсан яна,  
Лекин ўлим ўрганни қайдан топасан.

\*\*\*

Хақиқатни сўйласа, болаларга ишонинг..

\*\*\*

Жанжал чиқариш ақлдан эмас,  
Эси кетган уришни кўзлар.  
Аҳиллик йўлидан борингиз,  
Шундай дейди кутлуг билимлар.

\*\*\*

Баъзан ёлгон кўринар  
муқаддас хақиқатдай.

\*\*\*

Ад:ашмоққа мойил ақл.  
Жаҳд қилинг ишингизда.

\*\*\*

Кимки доно сўзга кириб  
Қадамни ўйлаб босса.  
Ишонч билан иш бажарса,  
Шараф ёр бўлар унга.

\*\*\*

Донолар ҳам баъзида  
тушиб қолар ёмон тузоққа,  
Пешонага битган бўлса —  
ақл танлар экан янглиш йўл.

\*\*\*

Қисматда ёзилган бўлади,  
Бўлмагай битмаса тақдирда.  
Абасдир йўқ учун югурмак  
Чикиб кетар ўлжанг кўлингдан.

\*\*\*

Юз қадамдан узоқда қуш  
кўрар ўлжасини  
Ёнда тузоқ пайқамас,  
қисматда ёзган шундай.

\*\*\*

Балаңдларда учади қушлар  
Лёк хатардан омон йўқ.  
Денгиз ичра сузар балиқлар  
Қўтулмас балиқчидан.  
Панадаги омон қоларми?  
Қайга беркинма нафсиз.  
Лўттибоз тақдир қўли узун  
Қўймай тутар бўғзингдан.

\*\*\*

Сув қанча қайноқ бўлмасин, олов уни  
дўст тутмас.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

**ШАҲРИМ — ФАХРИМ**



**Спорт**

**САЛОМАТЛИК ЭЛЧИСИ**

**Юртимизда меҳрга ташна, имқонияти чекланган болалар доимо давлат ҳимоясидадир. Уларнинг ҳеч кимдан кам бўлмай камол топишлари учун барча шароитлар яратилмоқда. Чунончи, уларнинг қобилиятларини юксалтириш мақсадида кўпгина тадбирлар, мусобақалар ташкил қилинмоқда.**

Яқинда Собир Раҳимов туманидаги «Намуна» болалар спорт мажмуасида 1,2-Мурувват уйлари тарбияланувчилари ўртасида паралимпия ўйинлари доирасидаги мини-футбол, мини-волейбол, эстафета мусобақалари ўтказилди.

Ушбу спорт мусобақаси имқонияти чекланган болаларни оммавий спорт тадбирларига жалб этиш, уларнинг спорт турлари билан мунтазам шугулланишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида Собир Раҳимов туман ҳокимлиги, «Соғлом авлод учун» ва «Болалар спортини ривожлантириш» жамғармаларининг туман бўлимлари ҳамкорлигида ташкил қилинди.

Мазкур мусобақага Чилонзор туманидаги 23-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари меҳмон сифатида ташриф буюрдилар.

Мусобақада қатнашчилар 3 гуруҳга бўлиниб, ўз маҳоратларини синовдан ўтказишди. Уларнинг спортга бўлган қизиқишлари маррага томон интилаётган ўғил ва қизларнинг кўзларидаги ҳаяжондан кўриниб турди.

— Мусобақа қатнашчиларининг имқониятлари чекланган бўлса-да, уларнинг соғлом болалардан қолишмай спорт билан шугулланишларини кўриб, беихтиёр, қойил қолмай иложимиз йўқ. Уларнинг кўзларидаги қувонч кўриб, биз ҳам жуда севиנדик. Бу каби спорт мусобақаларини янада кўпроқ ўтказишни мақсадга мувофиқ деб биламиз, — дейди «Соғлом авлод учун» жамғармаси туман бўлими раҳбари Маъсуда Тошпўлатова.

Мусобақа сўнгида барча болаларга ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари ва спорт анжумлари топширилди. Ушбу мусобақа болаларнинг хотирасида анча вақтгача муҳрланиб қолиши шубҳасиз.

Баҳодир ХОЛМАТОВ

**Мақтабгача таълим муассасаларида**

**БОРЛИҒИМСАН, МУҚАДДАС ВАТАН**

**Айни кунларда шаҳримизнинг турли гушаларида Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ҳамда азим Тошкентимизнинг йигирма икки асрлик муборак юбилейи катта тантана ва шодиёналик билан нишонланмоқда.**

Яратилган. Боғчамизда асосан нутқида нуқсонли бор болалар тарбияланадилар. Уларга малакали ва тажрибали мутахассис логопедлар, ҳамширалар ва психоневрологлар яқиндан ёрдам беришади. Шунингдек меҳрибон, ширинсўз тарбиячилардан Гуля Имомуддинова, Маҳружа Фулмова, Шарбат Камолова, Умида Жўрабековалар ҳаммиша улар билан ёнма-ён, сидқидилдан меҳнат қилиб келмоқдалар.

Дарҳақиқат, ушбу муассасада болажонлар учун ҳамма нарса бисёр. Рақс, каратэ, моҳир қўллар, аэробика, аригами ва расм чизиш

тўрақлари мунтазам ишлаб турибди. Хар бир ходим ўз бурчига садоқат билан ёндошиб, келажақ авлод тарбиясига ўз ҳиссасини қўшмоқда. «Бола бошидан», «Болалигим — подшолигим», «Беғубор кунларим дебосасида» деб номланган режали дастурлар асосида ўтказиладиган турли хил кўнглилар учун ҳам болажонларнинг онг ва тафаккурининг юксалишида, билими ва иродали бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги байрам тантанаси ҳам катта қувонч ва шодликка йўғрилган ҳолда нишонланди. Айниқса

шаҳримизни мадҳ этувчи расмлар кўرғазмаси барчага бирдай манзур бўлди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

**СУРАТДА:** байрам тадбиридан лавҳа Ҳакимжон Солихов олган сурат.



**ҲАР БИР ФАРЗАНД МЕҲР-ЭЪТИБОРДА**

**Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда ижтимоий-тиббий ҳолатидан қатъи назар, ёш авлод манфаатларини таъминлаш ва ҳимоялаш, унинг камолоти, таълим-тарбия олиши, ўз билими ва салоҳияти, қизиқиши бўйича касб-ҳунар эгаллашига яқиндан қўмақлашиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ўзининг юксак самараларини бермоқда.**

Бу борада қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мактаб таълимини тубдан такомиллаштириш баробарида юртимиздаги Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар фаолиятини янада яхшилаш, моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш, ўғил-қизларнинг билим ва тарбия олиши учун муносиб шароит яратиш, педагог кадрларнинг касб салоҳиятини юксалтириш, меҳнатини эъзозлаш, қўллаб-

қувватлаш ва рағбатлантириш имконини бермоқда.

Бу жиҳатлар юртимиздаги барча таълим-тарбия масканлари каби Тошкент шаҳридаги 21-Меҳрибонлик уйи фаолиятида ҳам ўзининг яққол ифодасини топмоқда. Бу ерда ўн бир ёшдан ўн олти ёшгача бўлган юз нафардан ортиқ ўғил-қиз тарбияланмоқда. Уларнинг пухта таълим, мукамал тарбия олиши учун Меҳрибонлик уйида барча зарур шароит яратилган.

Мазкур Меҳрибонлик уйида Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган тадбирда болаларга Тошкент шаҳар ҳокимлиги, бир қатор вазилик ва идораларнинг совғалари — ўқув қуроллари, техника воситалари, китоблар топширилди.

Ана шундай байрам тадбирлари пойтахтимиздаги барча Меҳрибонлик ва Мурувват уйларида бўлиб ўтди. **Назокат УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири**

«Ўзбекистон темир йўллари» деб номланган тарона жозибadorлиги билан кўшиқ ихлосмандларига манзур бўлмоқда.

**Санъат**

**САРОЙДА ЯНГРАГАН ТАРОНА**

Ўзбекистон Мустақиллигининг 18 йиллигига ижодий армуғон бўлган мазкур ашула темирйўлчилар маданият саройи концерт дастуридан ўрин олди.

Бу саройда уюштирилган байрам конфертида яна қатор янги куй ва кўшиқлар янгради. **Анвар ВАЛИЕВ**



Бош муҳаррир  
**Акмал АҚРОМОВ**

Манзилимиз: 100029,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

Эълолар: 233-28-95,  
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба  
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,  
офсет усулида босилади.  
2810 нусхада босилди.  
Қоғоз битими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамтига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5